

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 1 март
сешанба
№ 08 (1316)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар



2-БЕТ

1 мартдан нималар ўзгаради?



4-БЕТ

Ҳамёнидан айрилган ҳамкор



5-БЕТ

Алимент миқдори қандай белгиланади?

Бугун – баҳорнинг биринчи кунни!

Баҳор шамоли

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

Баҳор келайтир,
Тоза, мусаффо.
Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.
Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,
Туманли шаҳр ичра ётмоқлик малол.

Кенгликлар бағрига ураман ўзни,
Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.
Гўдак нафасидек юпатар юзни
Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.

Қоялар қўксиди шодмон, беқайгу,
Оний умри билан солланар чечак.
Баҳор бу — энг тоза шаббодадир бу,
Баҳор бу — энг тоза шамолдир демак.

Баҳор-қу ўтади шамолдек шитоб,
Майли, ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин.





1 МАРТДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?



ЧЕГИРМАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

ОЛИМПИА ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнида республикада ўтказилаётган спорт мусобақалари, ўқув-машғулотлар йиғинларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоа аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун вилоятлараро йўналишлар бўйича (темир йўл ва авиачипта) транспорт харажатларига 2022 йил 1 мартдан 2024 йил 1 сентябргача чегирмалар жорий этилади.

ИМТИЁЗ ЎРНИГА КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛ ТЎЛОВИ ТЎЛАНАДИ

Ўй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тўловлари, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тўлаб борилади;

ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилади.

НОГИРОНЛАР УЧУН ТЎЛАНГАН ИЖТИМОЙ СОЛИҚ ТЎЛИҚ ҚАЙТАРИЛАДИ

Болаликдан ногирон бўлган шахслар ва I ва II гуруҳ ногиронлари даромад солиғи бўйича имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оширилади;

2024 йил 1 мартгача иш берувчиларга ногиронлар учун тўланган ижтимоий солиқ Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ МАСЪУЛ

Мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига – экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг 50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади;

мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) — хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ бир ойга 1 нафар мутахассис учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари орқали компенсация қилинади.

ОЧИҚ ТЕНДЕРЛАР ФАҚАТ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ ОРҚАЛИ...

Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон тизим орқали ўтказилади.

ЭНДИ АПОСТИЛЬ ҚЎЙИШ ҲАМ...

Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти кучга киради.

ҲАЙДОВЧИГА ОСОН БЎЛДИ

Ҳайдовчи ёнида паспорти ёки ID-картаси бўлганида транспортни бошқариш, рўйхатдан ўтказганликка оид ҳужжатларни, ишончномани, суғурта қоғозини ёнида олиб юриши талаб этилмайди.

ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА КЎРСАТИЛАДИГАН МУҲИМ ХИЗМАТЛАР

Қўйидаги хизматлар ЯИДХП орқали электрон шаклда кўрсатилади:

- Ўзбекистонга чет давлат фуқаросини таклиф қилиш;
- чет давлатда Ўзбекистон фуқаролигини тасдиқлаш бўйича тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар олиш;
- судланганлик (судланмаганлик) ҳақидаги маълумотлар олиш;
- автотранспорт воситаларида тақиқ мавжудлигини текшириш;
- жазони ижро этиш муассасалари ва манзил колонияларида сақланаётганларни уларнинг яқин қариндошлари билан учрашув вақтини белгилаш.

ЧАВАНДОЗЛАР МАКТАБИ ОЧИЛАДИ

Чавандозлар мактаблари ўз фаолиятини бошлайди. Шунингдек, разрядли ва унвонли спортчилар тайёрлаш тизими жорий этилади.

“Е-ЕКСПЕРТИЗА” ЯГОНА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТИЗИМИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Аҳолига ва ваколатли органларга суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотларни етказиш ва ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган “Е-ekspertiza” ягона электрон ахборот тизими ишга туширилади.

100 ЁШГА ТЎЛГАН ВА УНДАН ОШГАНЛАР ИМТИЁЗИ

а) компенсация тўлови, уни олиш

ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тўлаб борилади;

б) ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилади.

Бунда, ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи миқдоридан тўланади;

в) ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ойда — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи миқдоридан қўшимча тўлов белгиланади.

Бунда, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар нафақасига ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов пенсия ва нафақа тайинланган ташкилот орқали республика бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

“ТОПИЛМАЛАР СТОЛИ” ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛАДИ

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги “Топилмалар столи” фаолиятини тугатиш ҳамда 2022 йил 1 мартдан бошлаб туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан йўқолган ва топиб олинган ашёларни қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш бўйича давлат хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилади.

Лобар РОЗИМОВА,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот
маркази масъул ходими

Биз шу аҳволга тушиб қолдикми?

“ИЧКАРИДА Ҳалима Худойбердиева бор...”



ЭРТАЛАБДАН Ёзувчилар уюшмасида ишлайдиган Анвар Ботир, дегич шоир укамиз телефон қилди:

— Ака, биласиз жойларда китобхонлик бўйича тадбирлар бўляпти. Бугун сизнинг навбатингиз, бир маҳаллага соат учда тадбирга боришингизни айтишди.

Тўшдан кейин муҳаррирдан изн олиб, тадбирга чопдим. Сал кечикибман. Эшик олдида ўрта ёшлардаги бир киши кутиб олди.

— Ичкарида кимлар бор, — пичирлаб сўрадим.

— Ичкарида Ҳалима Худойбердиева бор.

— Йўғе, қачон келди?

Боя, ўзим кутволдим.

— У ёқдан қандай чақирдиларинг? — дейман қўлимни тепага ишора қилиб.

— Хат берувдик, келди, — дейди бамайлахотир.

— Кечирасиз, ўзлари ким бўладилар?

Мана бу ерга ёзиб қўйишим керак-да.

— Менми, мен “Шарқ юлдузи” журналида

ишлайман...

— И-я, у журнал ҳалиям борми? — Қўзини бақрайтириб сўради. Жавобимни кутмасдан яна саволга тутди:

— Кечирасиз, исми-шарифингиз?

Кейинги саволдан баттар жаҳлим чиқди.

— Агар ичкаридаги одам ростдан ҳам Ҳалима Худойбердиева бўлса, мен аниқ Ўткир Ҳошимов бўламан, — дедим. Ҳалими одам:

— Э, бор бўлинг, Ўткир ака, мен сизнинг шеърларингизни роса севиб ўқийман, — деб бошқатдан кўришди.

Ичкарига кирсам Зулфия Мўминова “Болага китоб беринг” деб хайқириб шеър ўқиётган экан. Менга сўз навбати бераётганида Зулфия опага қараб, Сизга катта раҳмат Ҳалима опа, деб қўйдим Зулфия опа хайрон...

Тадбирдан сўнг ҳалими одамни қидириб тополмадим. Номард, кимсан Ўткир Ҳошимовдан дастхат олмай жўнаворибди.

Айтмоқчи бўлганим, мабодо, сизни ҳам бирор маҳаллага тадбирга чақиришса, қолиб кетманг, эҳтимол Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовни учратиш қоларсиз...

Муҳаммадсиддик РАҲМАТОВ



“КУЧСИЗ адолат ва адолатсиз куч — иккови ҳам даҳшат” деб ёзган эди қадимги юнон донишманди Эсхил. Сўнгра у фикрини шундай давом эттиради: “Агар куч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?”

Куч ва адолат

Француз файласуфи Блез Паскалнинг куч ва адолатга берган таърифиға эътибор қилинг:

“Адолат ва куч. Адолатга бўйсунуш адолатли, кучлига эса бўйсунмаслик мумкин эмас. Кучга таянмаган адолат — заиф, адолатга таянмаган куч зўравонликдир. Кучсиз адолатга доимо қаршилик қиладилар (чунки ёмон одамлар ҳамма вақт ҳам бўлади), адолатсиз кучдан норози бўладилар. Демак, кучни адолат билан бирлаштириш лозим. Яъни ё адолатни кучли қилиш керак, ё кучни — адолатли.

Адолатни осонлик билан рад қилса бўлади, лекин кучни рад қилиб бўлмайди, чунки қаршигизда ошкор турибди. Шунинг учун адолат кучли бўлолмади — куч адолатни тан олмаяпти, зўрликнинг ўзи адолатдир, деб уқтирмақда. Шунинг учун адолатни кучли этолмаган одамлар, зўрликни адолатли деб ҳисоблай бошлайдилар”.

Қадимги Хитой донишманди Конфуцийдан сўрадилар:

“Ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш тўғрими? Донишманд деди: “Яхшиликка яхшилик билан, ёмонликка эса — адолат ила жавоб қилмоқ керак!”

Соҳибқирон Амир Темури ҳаётидан ушбу ҳикматга мос мисоллар жуда кўп. Чунончи, ул зот ўз “Тузуқлар”ида: “Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топшурдим... Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим”, деб ёзади. Яна:

“Мамлакатларни фатҳ этгувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлоду зурриётим салтанатга ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш бобида ўзим қўллаган ишларни бир неча

Тузуқка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин.

Бу тузуқлардан салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназулдан омон бўлгай”.


Бугунги куннинг ўткир ва долзарб муаммолари биздан замонавий тараққиётнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бирга, инсониятнинг яқин-олис тарихидаги бой тажрибасини ҳам теран идрок этишни, шу асосда амалий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда, яъни тарих тажрибаси одамзод учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ясо, Тузуқ, Шариат, Низом, Қомус, Конституция ва бошқа сўзлар билан ифодаланган тартиб-қоидалар узоқ тарихий тараққиёт маҳсули саналади. Улуғ ажодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик

ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжихатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Россия императорлик жуғрофий жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д. Логофет 1913 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган “Бухоро тоғлари ва текисликлари” китобида шундай ёзган:

“Оврупода конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлинмаган бир даврда... Амир Темурнинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — “Тузуқлар” мавжуд бўлган ва амал қилган”.

“Давлатим ишларини тўра ва тузуқка асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузуқка таяниб, салтанатда

ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим...”, деб ёзган Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда “Темури тузуқлари” бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.



ТЕМУРИЙЛАР сулоласига мансуб ҳукмдорлар ва шаҳзодалар ичида илму фан, адабиёт билан машғул бўлганлар анча. Улар орасида, айниқса, Мирзо Улуғбек алоҳида ажралиб туради. Шу ўринда Улуғбекнинг адолат устуворлиги йўлидаги ибратли иши ҳақида тўхталишни маъқул топдик

Мирзо Улуғбек адолати

Байниддин Восифийнинг “Бадое ул-вақое” асарида шундай бир ибратли воқеа келтирилади:

Бир куни Улуғбекнинг ҳузурига номаълум шахс келиб арз қилади:

— Ҳукмдорим! Бундан олти ой олдин Рум тарафларга сафарга кетишда, беш минг ашрафий пулим бор эди. Пулимни шу шаҳарда бирон кимсага омонат қўйиб кетмоқчи бўлдим. Ушбу шаҳарда қозидан бошқа диёнатли ва инсофлироқ одам бўлмаса керак, дея ўйладим. Шу боис ўша пулни офтобага солдим ва оғзини маҳкам беркитиб, қозига топширдим. Сафардан қайтгач, қозиникига бориб, омонатимни талаб қилсам, у ўзини танимасликка олиб, пўписа қилди.

Улуғбек бу воқеани эшитиб ўйланиб қолди ва деди:

— Эртага қозиникига бормоқчиман. Сен ҳам бор ва мени кутиб тур. Қозиникидан чиқиб отга минаётганда “дод-вой” кўтар ва бўлган воқеани баён қил.

Эртасига Улуғбек Мирзо қозини чақиртириб:

— Эй, Қози! Мен беҳисоб нақд ақча, сандиқ тўла қимматбаҳо мато ва кўза-кўза олтину жавоҳир тўплалдим. Қазо қилсам, фарзандларим оғир аҳволга тушиб қолса, шу бойлик уларнинг ёмон кунига яраб қолар, деб ўйлайман. Шаҳарда бундай хазинани ишониб топширадиган бирон ишончли одамим йўқ. Сени диёнатли инсон дейишади, шунинг учун хазинамни сенга омонат топширишга аҳд қилдим. Буни иккимиз билсак, бас! Зинҳор бошқа одам эшитмасин!

Қози Улуғбекдан бу гапни эшитиб, ич-ичидан суюнди, қувонгидан юраги ёрилишига

сал қолди.

— Сен уйинга боравер, — деди Улуғбек қуллук қилаётган қозига.

— Мен изингдан чиқиб, хазинани яширадиган жойни ўз кўзим билан кўриб келаман.

Шу тарзда Улуғбек қозининг уйига борди ва “хазина”ни яширадиган жойни белгилашди. Ҳукмдор қозиникидан чиқиб, энди отга минаётганида, қозига омонат қолдирган кечаги одам келиб, “дод-вой” қила бошлади.

— Ҳукмдорим! — деди у. — Шу қозиникида омонат қолдиргандим. Лекин ҳеч қайтариб ололмаяман.

Буни эшитиб, қозини титроқ босди, рангрўйи ўчди. Ичидан ўзича мулоҳаза қилди: “Борди-ю, унинг даввосини рад этсам, подшоҳнинг ишончи йўқолади. Оқибатда, арзимас беш минг ашрафи (ўша давр пул бирлиги) деб улгуржи давлатдан қуруқ қоламан. Яхшиси, шу каззобнинг омонатини қайтариб берай”.

Шундан сўнг қози ўша одамга ўшқира кетди:

— Эй, баттол! Нега дод соласан? Қачон сен омонатингни мендан талаб қилдинг-у, мен йўқ дедим? Диёнатли бир қозига тухмат қилгани қандай журъат топдинг?

Шундай қилиб қози ғуломига: “Омонат фалон жойда, тез бориб бунга олиб чиқиб бер!”, деб буюрди.

Ана шу тариқа Улуғбек ҳийла ишлатиб, қозидан омонатчининг пулини олиб берди. Диёнатсиз қозига “хазина”ни топшириш ўрнига, уни жазолади ва ишдан бўшатди. Бу тадбир Мовароуннаҳр аҳлини қойил қолдирди. Ана шу воқеадан сўнг омма Улуғбекнинг адолатпарварлигига қаттиқ ишониб, унга ихлос қўйди...

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАДАНИЯТ ХОДИМИНИНГ
НОРОЗИЛИК МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ

ФУҚАРО М.А. Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилиб, туман маданият бўлими ходимларига бериладиган ижтимоий кафолатлар (ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган пуллар)нинг ўз муддатида тўланмаётганидан норозилигини билдирган. Ушбу мурожаат Тўрткўл туман адлия бўлими томонидан қонун доирасида ўрганилди.

Ўрганиш давомида туман маданият бўлимининг 2022 йил 31 январдаги маълумотномасига кўра, бўлим 2021 йил 1 январдан 2022 йил 1 январга қадар маданият ходими М.А.дан устама тўловлар ҳисобига 32 миллион 795 минг 313 сўм миқдорда қарздорлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими жорий

этилганига қадар Маданият вазирлиги, ҳудудий маданият бошқармалари, туман ва шаҳар маданият бўлиmlари ходимлари учун Давлат бюджетидан ушбу харажатлар учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги "Маданият ва санъатни ривожлантириш" жамғармасига ажратиладиган моддий рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари жорий этилган:

- кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда йилларга

қараб белгиланган ҳажмларда ҳар ойда кўшимча пул тўлаш; ходимлар фаолиятининг натижадорлигига кўра иш берувчининг алоҳида буйруғи билан ўрнатиладиган, лавозим маошидан (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 100 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устама; ҳар ойлик озиқ-овқат учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида тўловлар; ҳар ойлик йўлқира учун харажатларни қоп-

лаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўловлар (хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлардан ташқари) белгиланган.

Мурожаатни ўрганиш натижасида туман адлия бўлими томонидан судга даъво аризаси киритилиб, фуқаро М.А.га ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган 32 миллион 795 минг 313 сўм устама тўловларни ундириш бўйича суд буйруғи чиқарилди.

Мансур НУРАДДИНОВ,
Тўрткўл туман
адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

"ДИЛШОДА" масъулияти чекланган жамияти корхонаси раҳбари Н.М. Шаҳрисабз туман адлия бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, "Qashqadaryo yo'l qurilish-ta'mirlash" унитар корхонаси томонидан шартнома асосида бажарилган хизматлари учун 2 йилдан бўён тўлаб берилмаётган тўловларни ундиришда амалий ёрдам сўраган.



ҲАМЁНИДАН АЙРИЛГАН ҲАМКОР

Туман адлия бўлими томонидан мазкур мурожаат қонун талаблари асосида ўрганилиб, бажарилган автотранспорт хизмати учун тўланмай қолган 1 миллиард 536 миллион 15 минг 626 сўм асосий қарз ҳамда 338 миллион 795 минг 479 сўм пеня, жами 1 миллиард 874 миллион 811 минг 105 сўм ундириш ҳақида Қарши туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг қарорига асосан тадбиркорга 1 миллиард 536 миллион 15 минг 626 сўм асосий қарз ҳамда 84 миллион 600 минг сўм пеня ундириб берилди.

Алишер ИСОҚОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси
бошлигининг биринчи ўринбосари

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

"FORTUNE INVEST" масъулияти чекланган жамияти ҳамда "Сайхунобод туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси ўртасида "Автотранспорт хизматларини кўрсатиш бўйича" шартнома имзоланган бўлиб, мазкур шартномага биноан умумий қиймати 227 миллион 252 минг 55 сўмлик автотранспорт хизматлари кўрсатилган. Бироқ, амалга оширилган хизматлар учун тўловлар тўлиқ тўлаб берилмаган. Натижада унитар корхона "бўйнида" 145 миллион 9 минг 330 сўмлик қарздорлик юзага келган.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК
КОРХОНАНИ СУДГА ЕТАКЛАДИ

"Fortune invest" МЧЖ раҳбари ушбу қарздорликни ундиришда амалий ёрдам сўраб, Ширин шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам шартномавий мажбуриятлар бажарилмасдан, "Сайхунобод туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси зиммасида муддати ўтган жами 145 миллион 9 минг 330 сўмлик қарздорлик юзага келгани ўз тасдиғини топди.

Боз устига, жамиятнинг қарздорликни тўлаб беришни сўраб, бир неча маротаба юборган талабномалари ҳам корхона томонидан жавобсиз қолдирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ширин шаҳар адлия бўлими томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Натижада, суднинг ҳал қилув қарори билан "Сайхунобод туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси ҳисобидан "Fortune invest" МЧЖ фойдасига 145 миллион сўмдан зиёд асосий қарз ва пеня ундирилиши белгиланди.

Бекзод ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Ширин шаҳар адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ХАТИРЧИ туманидаги "Миёнқол" маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Жўрақулов Навоий вилоят ҳудудий "Чорванасл" марказида мавсумий техник осеменатор вазифасида ишлаб келган. Бироқ унга ойлик иш ҳақлари берилмаган. Бундан норози бўлган Б.Жўрақулов туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

ЁЛЛАНМА ИШЧИНИНГ
ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Аниқланишича, вилоят ҳудудий "Чорванасл" маркази ҳамда Хатирчи тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ўртасида 2021 йилнинг 4 январидан 2021 йил 31 декабрга қадар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича шартнома тузилган. Шартномага кўра марказ ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтган ой учун жамоат ишларида қатнашган фуқароларга тўланиши лозим бўлган иш ҳақини тегишли ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин иш берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериши лозимлиги қайд этилган. Бироқ туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан "Чорванасл" марказига ёлланма ишловчилар учун белгиланган пул маблағлари ўтказиб берилмаган.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорининг 9-бандига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар "Чорванасл" марказлари директорларига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили наслчилик ишини ташкил қилиш учун 1 минг 500 нафаргача ишчини шартнома асосида ишга жалб қилиш ваколати берилиб, ишчилар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги "Жамоат ишлари" жамғармаси томонидан 12 ойлик шартнома асосида жамоат ишларига жалб қилиниши ва уларнинг иш ҳақи жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур ишни ўрганиш жараёнида Хатирчи туман адлия бўлими ушбу йўналишдаги яна 20 та мурожаатни ҳам ўрганиб чиқди.

Туман адлия бўлими томонидан қонунчиликда белгиланган тартибга кўра, вилоят ҳудудий "Чорванасл" маркази Хатирчи туман филиалида ишлаб кетган ходимлар манфаатида судга киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, 20 нафар фуқарога 80 миллион сўмга яқин пул маблағлари ундириб берилди.

Зафар НАСИМОВ,
Хатирчи туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

"ҚУРИЛИШГА
РУХСАТ ЙЎҚ..."
НЕГА?

ФУҚАРО Х.Х.нинг Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан норози бўлиб, рт.gov.uz сайти орқали йўллаган мурожаати Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг 2021 йил 10 декабрдаги маълумотида кўра, Шайхонтохур тумани, Ибн Сино-1 мавзеси, 22-уй манзилида қурилиш режалаштирилаётган ин-

шоот жойлашган ҳудудга туташ кўп қаватли турар-жой бинолари аҳолиси томонидан эътироз билдирилганлигини ваҳ қилиб, фуқаро Х.Х.нинг давлат хизматлари маркази орқали юборган аризаларини қаноатлантириш рад этилган.

Аслида фуқаро Х.Х. 2021 йил 8 сентябрдаги олди-сотди шартномасига кўра, жами 1470 кв.м ер майдонида жойлашган кўчмас мулк объектини сотиб олган ва бу жойда 3 қаватли маиший хизмат кўрсатиш биносини қуришни режалаштирган. 2021 йил 22 сентябрдаги кўчмас мулк объектга бўлган ҳуқуқларни давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги давлат реестрига кўра, Шайхонтохур туманидаги Ибн Сино-1 мавзеси, 22-уй ҳақиқатан ҳам ариза муаллифига тегишли ҳисобланади.

2021 йил 17 сентябрда Ибн Сино маҳалла фуқаролар йиғинида Шайхонтохур туманидаги Ибн Сино-1 мавзеси, 22-уй ўрнига 3 қаватли маиший хизмат ва офис биносини қуриш масаласи ушбу ҳудудда жойлашган

5, 4, 1Б, 21-уйлар аҳолиси иштирокида кўриб чиқилган. Мазкур йиғилиш баённомасига кўра, қурилишга юқорида кўрсатилган уйлар аҳолисининг 85 фоиздан кўпроқ қисми розилик билдирган.

Шунга қарамай, фуқаро Х.Х.нинг қурилишга рухсат беришни сўраб қилган мурожаати Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси томонидан асоссиз равишда рад этиб келинган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг фуқаро Х.Х. манфаатида Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва қурилишга рухсат бериш мажбуриятини юқлаш тўғрисида Тошкент туманлараро маъмурий судига киритган шикоят аризаси қаноатлантирилиб, мурожаат эгасининг муаммоси ижобий ҳал этилди.

Мавлуда БОБОРАИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси масъул ходими



АЛИМЕНТ МИҚДОРИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

? — АЛИМЕНТНИ қатъий суммада белгилаш учун нима асос бўлади?

— Оила кодексининг 102-моддасига асосан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ёки бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларининг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.



СУД ҚАРОРИНИНГ ИЖРО МУДДАТИ ҚАНДАЙ?

? — Алимент ундириш бўйича чиқарилган суд қарори ижро қилиш учун Мажбурий ижро бюросига келиб тушган вақтдан бошлаб қанча муддатда ижро этилиши лозим?

— “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасига асосан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари дарҳол ижро этилади.



ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА БОРИШ МУДДАТИНИ КЕЧИКТИРИШ МУМКИНМИ?

? — Ҳозирги кунда Наманган давлат педагогика университети талабасиман, ҳарбий хизматни ўташим бўйича чақирув қоғози келди. Талаба бўлганлигим сабабли ҳарбий хизматга бориш муддатини кечиктиришим мумкинми?

— “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра:


умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида тахсил олаётган чақирилувчилар, шунингдек, олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда тахсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлагуналарига қадар кечиктирилади.



ДАВЛАТ БОЖИ УНДИРИЛМАЙДИ

? — Турмуш ўртоғим 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб никоҳимизни бекор қилдирдим. Энди фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ажрим қоғози олиш учун қанча миқдорда давлат божи тўлайман?

— Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан жисмоний шахслар — жиноятлари учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори асосида гувоҳномалар берганлик учун давлат божи ундирилмайди.



ТУҒИШМАГАН АКАНГИЗНИНГ АВТОМАШИНАСИНИ ИШОНЧНОМАСИЗ БОШҚАРА ОЛАСИЗ

? — Ҳозирги кунда яқин қариндошлар ўртасида автомашинани ишончномасиз бошқаришига рухсат берилган. Мен отамиз бир, онамиз бошқа яъни ўғай акамнинг автомашинасини ишончномасиз бошқаришим мумкинми?


— Оила кодексининг 58-моддаси иккинчи қисмида “Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди”, деб кўрсатилган. Сизнинг ҳолатингизда эса ота бир бўлса, ўғай акамнинг автомашинасини ишончномасиз бошқаришингиз мумкин бўлади.



ҚАРШИ ДАЪВО АРИЗАСИ УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ БОРМИ?

? — Фуқаролик ишлари бўйича судда жавобгар сифатида қатнашяпман. Худди шу иш бўйича мен ҳам қарши даъво аризаси киритмоқчиман. Бунинг учун давлат божи тўлайманми?

— Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига асосан қарши даъво аризаларидан умумий асосларда давлат божи ундирилади.



ДАРОМАД СОЛИҒИ УНДИРИЛМАЙДИ

? — Банкка омонатга пул қўймоқчиман, ундан оладиган омонат фоизларидан даромад солиғи ундириладими?

— Солиқ кодексининг 378-моддасига асосан банклардаги омонатлар бўйича фоизлардан даромад солиғи ундирилмайди.



ЯНА ДАВЛАТ БОЖИ ТўЛАЙМАНМИ?

? — Фарзандимга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олган эдим. ФХДЁ ходимлари ўғлимнинг исмини ёзишда хатоликка йўл қўйган. Агар шу хатони тўғрилаб, янги туғилганлик гувоҳномаси ёзиб беришини сўрасам, яна давлат божи тўлайманми?

— Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига асосан жисмоний шахслар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш чоғида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тўлдирилган ва тузатилган тақдирда гувоҳномалар берганлик учун давлат божи тўланмайди.



САВОЛЛАРГА “МАДАД” ННТ ЕТАКЧИ МУТАХАССИСИ АБРОР ЭЗОЗХОНОВ ЖАВОБ БЕРДИ.

Шу сабабли сиз фарзандингизнинг туғилганлик гувоҳномасидаги хатоликни тўғрилаш учун мурожаат қилсангиз, сизга берилган янги гувоҳнома учун давлат божи ундирилмайди.



БОҚУВЧИСИНИ ЙўҚОТГАНЛИК НАФАҚАСИ ҚАЧОНДАН ТАЙИНЛАНАДИ?

? — Турмуш ўртоғим вафот этганига 3 ой бўлди. Вояга етмаган фарзандимга боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш учун туман пенсия бўлимига мурожаат қилсам турмуш ўртоғим вафот этган вақтдан бошлаб боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинладими?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарорига асосан шахс вафот этган кундан бошлаб олти ой ичида боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлашни сўраб мурожаат этилган бўлса, нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан эътиборан тайинланади.



ЖАРИМА ТўЛАЙСИЗ

? — Уйимни ижара шартномаси тузмасдан фуқароларга ижарага берганман. Бунинг учун жавобгарликка тортишим мумкинми?

— МЖТКнинг 159¹-моддасига асосан фуқаролар ўртасида турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этмаслик, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА, Оила кодексига, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунларда фарзандларимиз, вояга етмаган болалар манфаатларининг тўлақонли ҳимояси кафолатланган.

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ИЗДАН ЧИҚИШИГА НИМА САБАБ БЎЛМОҚДА?



Ҳаёт тажрибасидан маълумки, фарзанд тарбиясига ўта масъулият билан ёндашиш лозим ва бунда шахсий ибрат жуда муҳимдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, болалар тарбияси издан чиқиб кетишига аввало ота-оналар ажралиши сабаб бўлмоқда. Ота-оналарнинг сурункали ўзаро жанжали, ажралишлари болалар руҳига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса, бола тарбияси етарли даражада назорат қилинмайди. Отанинг сўзи, юки камлик қилади. Ажралган ота-оналар орасида фарзанд тарбияси, эҳтиёжи билан қизиқмайдиганлари оз эмас.

Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари қайд этилган. Ажралиб яшаётган айрим ота-оналар фарзандларининг тарбиясида умуман иштирок этмаслиги, ҳатто фарзанди моддий таъминотини ҳам ихтиёрий амалга оширмаётганлиги ачинарли ҳолат.

Бугунги кунда айрим ота-оналар келажакда фарзандини моддий жиҳатдан зўр таъминлаш, унинг тўйини дабдабали ўтказишни орзу қилиб кўпроқ маблағ илтижиди болаларини ота-онаси, қариндоши, ҳатто кўни-кўшнисига ташлаб, ўзлари бошқа юртга кетаётгани сир эмас. Лекин улар фарзандига айни тарбия бериш лозим бўлган вақтни йўқотаётганлиги, энг ачинарлиси, фарзанди бахтини йўқотаётгани билмайди. Билганида эса кеч бўлади.

Конституциямизнинг 63-моддасида белгиланганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Фуқаро О.Н. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, С.Т.га нисбатан никоҳдан ажратишни сўраган.

Мазкур даъво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, тарафлар ўртасида тушунтиришлар олиб борилиши натижасида 3 нафар вояга етмаган фарзанд етим бўлиб қолишининг олди олинди. Даъвогар судга ариза тақдим қилиб, ярашганлиги сабабли фуқаролик ишини иш юритишдан тугатишни сўради. Суд томонидан мазкур фуқаролик иши тарафлар ярашганлиги сабабли иш юритишдан тугатилди.

Оилаларимизни асрайлик, фарзандларимиз олдидаги мажбуриятимизни унутмайлик.

Аъзам БАЙБЕКОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Жиззах туманлараро суди судьяси

Аммо шуни унутмаслик керакки, вояга етмаган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар уларга шундай зарар етказилишига нисбатан кўпроқ салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилиги ўзига хос алоҳида нормаларни белгилайди ва бундай нормалар алоҳида аҳамият касб этади.

Эътироф этиш лозим, мамлакатимизда жиноят ва суд ишларини юритиш жараёнида ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 декабрда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд-тергов ишларини юритишга оид айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани шулар жумласидандир. Масалан, Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш билан боғлиқ бўлган айрим ўзгартиришлар, айниқса, вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчиларни сўроқ қилиш жараёнида педагог билан бир қаторда психологнинг ҳам иштирок этишига оид норма киритилди. Қолаверса, вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш вақти белгиланди. Амалдаги тартиб бўйича умумий сўроқнинг давом этиш вақти кун давомида 8 соатни, вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш вақти эса 6 соатни ташкил этади. Бироқ, айни пайтгача кодексда вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш вақти белгиланмаган эди. Янги ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, сўроқнинг умумий давом

МАЪЛУМКИ, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида ҳар доим ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан кучайтирилган жавобгарлик чораларини белгилашни талаб қилади. Бунда вояга етмаган шахсларнинг руҳий ҳамда жисмоний ҳолати, уларга нисбатан етказилган зарар хусусияти ва миқдори, албатта, ҳисобга олинади.



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ ВАҚТИ БЕЛГИЛАНДИ

этиш вақти кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олганда тўрт соатдан ошмаслиги белгиланди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида жиноят процессида жабрланувчи ва гувоҳларнинг, шу жумладан вояга етмаган жабрланувчи ҳамда гувоҳларнинг ҳуқуқлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган эди.

Жиноят қонунчилигига киритилган энг муҳим ўзгартиришлардан яна бири

бу — вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёши ўзгартирилгани ҳамда шахсни жиноий жавобгарликка тортишининг энг кам ёши ўн тўрт ёш этиб белгилангандир. Ваҳоланки, айни пайтгача ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Мазкур ўзгартириш эса чинакам адолат ва инсонпарварлик принципининг ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Ниғмат ЖАЛИЛОВ,
Тошкент вилояти юридик техникуми
"Жиноий-ҳуқуқий фанлар"
кафедраси мудири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 йил 29 январда қабул қилинган "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш борасида муҳим қадам бўлди.

КЕЛИШУВ БИТИМИ ЭНДИ МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ҲАМ ТУЗИЛАДИ



Мазкур қарор давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришни назарда тутди. Шу мақсадда маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, маъмурий суд ишларини юритишни "суднинг фаол иштироки" тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш, оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш, маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақ-

дирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиш каби вазифалар белгиланди.


Шунингдек, айни ҳужжат билан қонунчиликка тарафларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича келишув битимини тузиш ҳуқуқини бериш, давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш, давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш, давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг такроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш тартиби ҳам киритилади.

Нодир ХОЖИМАТОВ,
Фарғона вилоят маъмурий суди
судьяси

КЕЙИНГИ йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича тизимли чоралар кўриломоқда.

Коррупцияга қарши курашиш ишларини рейтинг баҳолаш

бунда нимага эътибор қаратилади?



САМАРАДОРЛИКНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯНГИ МЕЗОНИ

Коррупцияга қарши курашиш борасида сўнгги беш йилда ўттизга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу иллатга қарши кураш бугун ҳам давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Қарор билан “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Эндиликда, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш куйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:

- давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;
- коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;
- давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;
- ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

ЁШЛАРНИНГ замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштириши, хунарли бўлиши учун айти пайтда қабул қилинган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да кўплаб ташаббуслар илгари сурилган. Бу эса мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътиборнинг намунаси.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИАТ БУЮК КЕЛАЖАККА КЎЙИЛГАН ПОЙДЕВОРДИР

Хусусан, Давлат дастурида ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминланган 100 мингдан ортиқ бепул тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш, чекка ҳудудларда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига транспорт катновини йўлга қўйиш назарда тутилган. Шу билан бирга, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига ўқитиш кўзда тутилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш. Уларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, улар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва

РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Рейтинг баҳолаш тизими тажриба тариқасида 2022 йил 1 февралдан бошлаб 11 та вазирлик, 4 та давлат кўмитаси, 7 та агентликлар ва 4 та маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ўз фаолиятида коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этаётган давлат ташкилотлари фаолиятига жорий этилади. 2022 йил 1 июлдан бошлаб эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда рейтинг баҳолаш тизими барча давлат ташкилотлари фаолиятига ҳам жорий этилади.

Мазкур рейтинг баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали ташкил этилади. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 балдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” тоифаларга ажратилади. Рейтинг баҳолаш натижалари электрон платформада ҳисоблаб чиқилади. Ҳар йили 1 мартга қадар кенг жамоатчилик учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади. Ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан баҳоланиш ўтказилаётган йилнинг 1 январига қадар бўлган давр рейтинг баҳолаш тизими билан қамраб олинади. Рейтинг баҳолаш натижаларининг ҳолислигини текшириш мақсадида камида 30 фоизи фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат бўлган Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи шакллантирилади.

Натижаси “яхши” деб баҳоланган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланади ва амалга оширилади. “Қониқарли” деб баҳоланган давлат ташкилотларига уларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритилади ва уларни амалга оширишда кўмаклашилади. “Қониқарсиз” деб баҳоланган давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқирилиши таъминлаб, унинг ижроси юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини ҳар чорада Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг йиғилишларида эшитиш чоралари кўрилади.

Одилжон БЕГИМҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди раиси

соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, очик ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, уларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, иктидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, улар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсад қилиб олинган.

Бу каби ислохотлар ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган. Зеро, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Одил НАБИЕВ,
ТДЮУ 2-босқич талабаси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2022 йил 28 январда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармон имзоланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ

Фармонга кўра, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш 7 та энг устувор йўналишларнинг иккинчиси сифатида белгиланди. Эътироф этиш керак, айти йўналиш доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилиши, қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклат тартибига амал қилиниши қатъий таъминланиши, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилиши сингари вазифалар белгиланди.

Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишга амалий кўмаклашиш учун “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизими жорий қилиниши, ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилади.

Агар “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”га назар ташласак, жорий йилда иктисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юзасидан регрессив (камайиб боровчи) давлат божи ставкаларини қўллаш, иш фуқаролик, иктисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишдан қатъи назар уни ушбу судлар томонидан қабул қилиш ва судга тааллуқлилигига кўра, тегишли судга юбориш тартибини белгилаш, судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш жараёнида Судьялар ҳамжамияти органларининг аниқ ваколатини белгилаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини очик ва шаффоф тарзда ташкил этиш, уларнинг ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлаш, судлар томонидан ижро варақаларини инсон омилисиз электрон шаклда юбориш имконини берувчи электрон платформани яратиш орқали ушбу жараённи тўлиқ рақамлаштириш, ижро жараёнини шаффоф тарзда масофадан туриб онлайн кузатиб бориш имконини яратиш, суд томонидан тайинланган жарималарни махсус рақам бўйича тўлаш тизимини соддалаштириш сингари вазифалар амалга оширилиши лозимлигини кўрашимиз.

Одил ХОЛИҚОВ,
Қибрай туман адлия бўлими бошлиғи

ЭЪЛОНЛАР

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2022 йил 11 февралдаги 18-ум-сонли буйруғига асосан Навоий шаҳридаги “ADVOKAT SHERZOD MUXTOROVICH” адвокатлик фирмаси адвокати Habibulloev Sherzod Muxtorovichning адвокатлик мақоми унинг иш даври якунига қадар тўхтатилди.

Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 1 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2022 йил 4 февралдаги буйруғига асосан “Abdullaev Xomit Chorievich” адвокатлик бюроси адвокати Abdulloev Xomit Chorievichning Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган адвокатлик

фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи ВН №000066-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ҳамда 25.12.2018 йилда берилган 066-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 153-моддаси ва

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2022 йил 14 февралдаги буйруғига асосан Қарши шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи марҳум нотариус В.Найтилова 2020 йил 27 апрель куни берилган хусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи КС 0030-сон лицензиясининг амал қилиши ҳамда нотариус мақоми тугатилди.

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази наشري

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музраф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Юлдашева Шохидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
кўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Хуршид Султонов
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Тиражи — 4000
Буюртма — Г-362

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 20:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

Қулайлик

СЎНГИ вақтларда Давлат хизматлари марказларида ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун ташриф буюрувчилар оқими сезиларли ошган.

**"СЎНГИ МИЖОЗГАЧА"**
ИШ РЕЖИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Бу муаммо ўрганиб чиқилди. Аҳолига қулай бўлиши учун эски ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадагисига алмаштиришнинг сўнги муддати ўтган йили декабрь ойидан, 2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилган ва бу жараён 4 босқичда амалга оширилиши белгиланган. Яъни:

Демак, эски ҳайдовчилик гувоҳномалари куйидаги муддатларда янгисига мажбурий алмаштирилади:

- 2010 йилгача берилганлари — 2022 йил 31 мартгача;
- 2010 — 2012 йилларда берилганлари — 2022 йил 30 июнгача;
- 2013 — 2015 йилларда берилганлари — 2022 йил 30 сентябргача;
- 2015 йилдан кейин берилганлари — 2022 йил 31 декабргача.

Муаммонинг асосий сабаби 2022 йил 31 март кун эски гувоҳномаларни алмаштиришнинг биринчи босқичи яқунлаши, 2010 йилгача берилган эски "права"лар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши ва белгиланган муддатда ҳужжатини алмаштирмаганлар сонининг кўплигида. Бу эса, табиийки, давлат хизматлари марказларига ташриф буюрувчилар оқимининг сезиларли ортишига сабаб бўлган.

**МУАММОНИНГ ЕЧИМИ УЧУН
НИМАЛАР ҚИЛИНМОҚДА?**

ДХА масъуллари томонидан ДХМларга хизматдан фойдаланиш учун ташриф буюрувчилар кўплиги, жумладан, улар орасида ҳудудлардан ҳам ташриф буюраётганлар оз эмаслигини, шунингдек, фуқароларга ушбу давлат хизматини кўрсатишда қўшимча қулайлик яратиш мақсадида:

■ Тошкент шаҳрининг Миробод, Мирзо Улуғбек, Яшнобод, Яққасарой, Сергели, Чилонзор, Учтепа, Шайхонтохур, Олмазор, Юнусобод тумани давлат хизматлари марказларида 2022 йилнинг 21 февраль кунидан бошлаб, "Сўнги мижозгача" иш режими ташкил қилинди. Бунинг учун иш графиги меҳнат қонунчилиги доирасида қайта кўриб чиқилди.

Бунда, юқорида қайд этилган ДХМлар оққали ҳайдовчилар душанбадан-жума кунига қадар эрталаб соат 9:00 дан кечгача ҳамда шанба кун соат 9:00дан 13:00 га қадар хизматдан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, вилоятларда ҳам "Права" алмаштириш учун "сўнги мижозгача" иш режими жорий этилди. Жумладан, эндиликда, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Термиз, Қарши, Гулистон, Наманган, Хива, Навоий шаҳарлари ҳамда Андижон, Шаҳрисабз, Қорақўл туманлари давлат хизматлари марказлари томонидан ҳам эски ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги намунадагисига алмаштириш "сўнги мижозгача" иш режимига асосан амалга оширилади.

Эслатиб ўтаёмиз, эски "права"ни янгисига алмаштириш учун нафақат ДХМларга, балки бевосита ваколатли ИИББ ЙХХБ идораларига ҳам мурожаат қилиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган "Инсон қадрини учун" деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни назарда тутди. Шулардан бири — малакали тиббий хизматдан фойдаланишдир. Айниқса, тиббиётнинг биринчи бўғинини ривожлантириш, энг кўп тарқалган ва аҳоли барча қатламларини қамраб олган ҳолда ўлимга сабаб бўлаётган касалликларни эрта аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирлари ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА**
янги ислохотлар бўй кўрсатаверсин!

Йиллар давомида мамлакатимизда бирламчи тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор замирида аҳолининг нафақат тиббий ҳамда жисмоний аҳолини мунтазам кузатиб бориш, оилаларда тиббий маданиятни, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу, халқчил мақсадлар муштараклиги мужассам. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Зомин туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфида 2 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ва 8 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига ишончли, тез ва сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Замонавий талаб стандартларига мос, карантин қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган "Пишоғар" қишлоқ врачлик пункти айна шундай шифо масканларидан бири. Мукамал таъмирланиб, замонавий дизайн

асосида таъмирлаш ишларини, тажрибали "Atlant architects Group" МЧЖ лойиҳачилари ва моҳир қурувчи фирмаси "Бўстон монтаж-таъмир" бунёдкорлари ниҳоясига етказишди — дейди, биз билан суҳбатда — Зомин туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Рустам Ибрагимов. Бу ҳудуддаги "Пишоғар" МФЙда истиқомат қилаётган минг нафардан зиёд аҳоли тажрибали шифокор ва малакали ҳамширалар ёрдамида ўз саломатлигини тиклаш имконига эга бўлишмоқда.

Биз аввалги ҳолат бўйича қизиқиб қишлоқ врачлик пункти мудирини Санжар Абдусаломовни суҳбатга тортдик. — Авваллари биномиз абгор, таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди. Ҳозир ушбу тиббиёт масканида шифокорлар хонаси, муолажа, намуна олиш, санузел, филтрлаш хоналарига водопровод суви ва оқава суви тармоқлари киритилди.

Ҳудудда чиқинди сувларини йиғиш учун (септик) куйма бетон билан қопланган махсус жойлар, муолажа, боғлов, гинеколог, эмлаш, биохимик текширув хоналарига бактериоцид лампалар ўрнатилди. Врач, катта ҳамшира, хўжалик бекаси, муолажа хоналари, тирқишсиз линолеум, санузел, ювиниш, дезоддалар ва тозалов жиҳозларини сақлаш хоналари поллари метал плиткалар билан қопланди. "Пишоғар" қишлоғи "Ёшлик" маҳалласидан келган Обидхон Муродовнинг сўзларида ҳам ўз тасдиғини топгандек.

— Бундан аввалги бино эски абгор ҳолатда бўлиб тиббий хизматга эҳтиёж сезсак, туман марказига 23 км вилоят марказига эса 30 км. йўл босиб тиббиёт муассасаларига боришга мажбур бўлардик. Энди эса янги замонавий ҳавас килса арзигулик оилавий поликлиникага эга бўлдик. Азалий орзу ниятларимиз ушалди. Ҳозирда яратилган барча тиббий қулайликлар шаҳардан қолишмайди. Бундай шарт-шароитларни яратиб бераётган давлатимиз раҳбарига минг раҳмат айтаёмиз.

Албатта, ҳар қандай қурилиш асосининг лойиҳаси устида ишлаган фирма, МЧЖнинг изланиши тажриба даражаси билан боғлиқ. Бу масалада "Atlant architects Group" МЧЖ раҳбари Юлдуз Сувонованинг фикрларига тўхталасак: — Ҳар қандай объектдан фарқли тиббиёт масканлари Сан Пин қоидаларига жавоб берадиган қоида ва нормаларга асосан лойиҳа эскизларини тайёрлашни талаб қилади. Бундан шу теран ҳақиқат хулоса қилинадики, бу ишда жамоамиз билан алоҳида мутахассисларнинг фикрларини таҳлил қилиб якуний тўхтамга келдик.

Аҳоли қувончидан беҳад мамнун бўлиб, шуни чексиз ғурур ва фахр билан айтишимиз мумкинки, эндиликда "Пишоғар" аҳолиси ҳам қишлоқ иссиқ ёзда салқин саломатлик марказидан доимий баҳраманд бўлади. Янги Ўзбекистонда янги ислохотлар бўй кўрсатаверсин! Халқимизни рози қилишни ҳар жабҳада мақсад қилган оқилона сиёсат — ўзини амалда тасдиғини топсин, дея тилак билдириб қоламиз.

Гулижаҳон АШУРОВА,
журналист

